

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК СИЁСАТ

Қуденова Баҳар Алламбергеновна

*Шуманай тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими  
бошлиғининг биринчи ўринбосари*

**Аннотация.** *В статье описаны глобальные экологические проблемы и их освещение в СМИ. Оценивается развитие экологической журналистики в Узбекистане на основе принципов и тенденций развития.*

**Ключевые слова:** *Экология, экологическая культура, информация, тенденция, концепция.*

**Annotation.** *The article describes global environmental problems and their coverage in the media. The development of environmental journalism in Uzbekistan is assessed on the basis of the principles and development*

**Key words:** *Ecology, environmental culture, information, trend, concept.*

Инсоният жамиятининг ривожланиши ва юксак даражадаги тамаддунга эришиши жараёнида глобал характерга эга бўлган қатор муаммолар вужудга келган. Улар орасида XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган глобал экологик муаммолар алоҳида ўрин тутди. Бу муаммолар аслида ҳар бир мамлакат учун тегишли бўлса-да уларнинг чегара билмаслиги ва умумжаҳон хусусиятига эга бўлгани учун глобал ном билан атала бошланди. Бугунги кунда иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги ва дунё океанларининг ифлосланиши, биохилма-хилликнинг йўқолиши, чўлланишнинг ортиши, тупроқ деградацияси, чиқинди муаммоси, ўрмонларнинг кесилиши, озон қатламининг емирилиши, атмосферанинг ифлосланиши, радиоактив ифлосланиш, аҳолида экологик маданиятнинг етишмаслиги кабилар биз айтган глобал муаммолардир. Аммо юқорида саналган йирик экологик муаммоларнинг ҳар бирини алоҳида олиб қаралганда уларнинг асосида яна бир қанча экологик ҳолатлар ётишини кўриш мумкин. Бу муаммоларнинг дерли барчаси Ўзбекистон учун ҳам тегишлидир.

Миллий журналистикада экологик муаммоларнинг ОАВда ёритилиш масаласини бевосита тадқиқ этган олимлар ташкил этади. Булар Н.С.Қосимова [1], Я.М.Маматова, С. Р.Сулайманова [2], Ж.К.Марзияев [3] ва бошқалардир. Муаммони очиб беришда улар соҳанинг илмий-назарий масалаларига кўпроқ эътибор беришган.

1960–1980-йилларда дунё оммавий ахборот воситаларида илк мартаба техноген ва экологик ҳалокатлар оқибатида инсонит атроф-



муҳитга салбий таъсири хусусида журналистик материал-лар кенг эълон қилина бошланди. Муҳим экологик муаммоларнинг ОАВда кўтарилиши ва бу борада аҳоли хабардор-лигининг ошиши давлатларнинг экологик сиёсати шакилланишига олиб келди. 1990-йили Халқаро экологик журналистлар жамияти (<http://www.sej.org>) ташкил этилди. XX асрнинг охирида бевосита экологик журналистиканинг мақсади, вазифаси, функциялари тадқиқ этила бошланди.

Экожурналистика –экология ва журналистика фанларининг ўзаро бирлашувидан ташкил топди. Филология фанлари доктори М.Худойқулов таъкидлаганидек, “Журналистиканинг бош вазифаси ижтимоий ҳаётни акс эттириш, яъни ижтимоий ахборот йиғиш ва оммага етказиб беришдан иборат” [4]. Бу таъриф журналистиканинг муҳим бир бўлаги бўлган экожурналистикага ҳам тегишлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки экологик журналистика – экосиёсий жараёнлар субъектларидан биридир. Унинг ўз вазифаларини тўла адо этиши орқали экологик инқирозларнинг олдини олиш мумкин. Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда экологик хавфлар кучайди. Орол денгизи инқироzi, чўлланишнинг ортиши, атмосферанинг ифлосланиши, биохилма-хилликнинг йўқолиши, ичимлик ва суғориш учун сувнинг етишмаслиги, чиқиндилар муаммоси, экологик маданиятнинг шаклланимаганлиги ва ҳоказолар тобора долзарблашаётган бир пайтда экологик журналистика халоскор сифатида майдонга чиқади. Аҳолини мазкур муаммоларни ҳал қилиш йўлида бирлаштиради.

Экологик журналистиканинг асосида экологик ахборот ётади. Экологик ахборотни фуқароларга етказишнинг йўллари кўп. Бу китоблар, босма ОАВ, ТВ, радио, интернет, ижтимоий тармоқлар, видео қурилмалар бўлиши мумкин. Атроф-муҳит муҳофазаси, экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича газетадаги мақола, ижтимоий тармоқлардаги постлар, видео ва суратлар, мессенжерлардаги каналлар, маърифий йўналишдаги фильмлар, видео, аудиороликлар, масъул шахсларнинг расмий чиқишлари, қонун ёки бошқа ҳужжатларнинг матни, буларнинг барчаси экологик ахборотга мисол бўла олади.

Экологик журналистиканинг бугунги кундаги ривожланиши тенденциялари қуйидагиларда кўринади:

1. Давлат ва нодавлат экологик ташкилотлари сайтларининг ривожланиши ва улардан ОАВ вакиллари маълумот олишларида самарали фойдаланишлари;



2. Экологик муаммолар ва улардан аҳолини хабардор этишда анъанавий жанрлар билан биргаликда кўпроқ визуаллашган ва интеграллашган жанрлардан фойдаланиш;

3. Экологик масалалар бўйича контентни тарқатишда ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш. Хусусан, Telegram ижтимоий тармоғи орқали;

4. Фуқаролик экологик журналистикасининг ривожланиши;

5. Журналистларнинг экологик масалаларни ёритишда ахборот манбаларидан фойдаланишда маълумотлар журналистикаси усуллари (статистик маълумотлар йиғиш, уларни саралаш, визуаллаштириш) фойдаланиш;

6. Шаффофлик ва ишонч. Тадқиқотда миллий экологик журналистиканинг бир қисми сифатида таҳлил этилган давлат ва нодавлат экологик ташкилотларнинг сайтлари ривожининг асосий тамойиллари сифатида қайд этиш мумкин. Журналистлар ушбу сайтлардаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўтарилган экологик масалалар, мазкур соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўз оммавий ахборот воситаларида қайта беришмоқда;

7. Экологик мавзудаги фейклар ва уларга қарши курашишда фактчекинг платформалардан самарали фойдаланиш.

Миллий экологик журналистика концепцияси Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати концепцияси билан ҳамоҳангдир.

## АДАБИЁТЛАР:


1. Қосимова Н.С. Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика. –Т., «Турон-иқбол», 2016

й, - 196 б.; Қосимова Н.С. Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши. Ўқув-амалий қўлланма. Тошкент., Марказий Осиё минтақавий экологик маркази, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, 2018 й. -108 б.;

2. Сулаймонова М.Р, Маматова Ё.М. Сулайманова С., Маматова Я. Экологическая

журналистика Узбекистана в контексте Устойчивого Развития. Учебное пособие. - Т.: Extremum-press, 2016.



- 
3. Марзияев Ж. К. Мустақиллик йиллари қорақалпоқ матбуотида экологик муаммолар талқини. Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: 2019. –б.44
  4. Қозоқбоев Т., Худойқулов М. Журналистикага кириш. -Т.: “Иқтисод-молия”, 2018. -104 б.

